

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-2>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

СОАТОВ Халил Қудратович

*Иқтисод фанлари номзоди, Қашқадарё вилояти
Ғузор тумани, Чўғуртма МФЙ раисининг
Кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси,
“Янги Ўзбекистон”*

*маърифатпарвари танлови голиби
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10623370>*

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ҚАРШИЛИК ХАЛОСКОРИ ҚАВЧИН ЭЛИ СЎФИЙСИ ҲАМДА КЕШЛИКЛАРГА ДАХЛДОР ЧЎҒУРТМА МАНЗИЛИ ҚОРА ТУГУНЛИ СИРЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Президентимиз “Янги Ўзбекистон маърифати” ғояси, улуғ бобокалонларимиз абадиятини шарафлаштириш, кашф этиш, Туркий дунё давлатлари ўртасида бирлик тамон интилган қудратли тўлқинга айланиб, янги дунёвий тартиб шакллантиришда мутлақо ҳисоблашиш шарт бўлган сиёсий кучга айланганлиги халқаро жаҳон майдонида эътироф этилмоқда. Шаҳрисабз қадимий Кешнинг 2024 йил туризм пойтахти этиб танланганлиги, бу танловга кўҳна қавчин эли Чўғуртмаси қадим улуғлари манзили ҳам алоқадорлиги биз сайёр маҳалла маърифатчиларни ҳам илмий изланишларга чорлайди. Мақола айнан шу ҳақида.

Калит сўзлар: Соҳибқирон Амир Темур, Қавчин эли сўфийси, тошарик, тоштерма, карвон, оташпараст, Зардуштийлар, ибодатхона сири, Қора тугунли, Чумчуқтепа, Соқчи Олтибой, Ҳазар, Назар, Марғиёна, Мурғаб, Чуноҳор, Яккадара, Ҳузур.

САХИБКИРАН АМИР ТЕМУР И КАВЧИН ЭЛИ СУФИСИ, СПАСИТЕЛЬ СОПРОТИВЛЕНИЯ, А ТАКЖЕ ЧУШУРТМА, КОТОРАЯ ПРИСУЩА КЕШИТАМ СЕКРЕТЫ АДРЕСА ЧЕРНЫЙ УЗЕЛ

АННОТАЦИЯ

Тот факт, что идея "нового узбекистанского маърифата" нашего президента превратилась в политическую силу, в которой необходимо чтить, открывать вечность наших прадедов и прабабушек, стать мощной волной единства среди государств тюркского мира, с которой нужно абсолютно считаться при формировании нового государства. новый светский порядок, признанный на международной арене. Тот факт, что город древний тайник был выбран столицей туризма 2024 года, адрес древних руин Кохна кавчин эли чимни также участвует в этом конкурсе, мы также приглашаем путешествующих просветителей окрестностей к научным исследованиям. Это именно то, о чем идет речь в статье.

Ключевые слова: Сахибкиран Амир Темур, Кавчин эли суфиси, каменный ров, тоштерма, караван, пожарный, зороастрийцы, тайна храма, черный узел, Воробьиная вершина, сторожевой шестиугольник, хазар, назар, Маргийона, Мурғаб, Чуноҳор, Яккадара, Ҳузур.

SAHIBKIRAN AMIR TEMUR AND KAVCHIN ELI SUFISI, THE SAVIOR OF THE RESISTANCE, AS WELL AS CHUSHURTMA, WHICH IS INHERENT CACHE THE SECRETS OF THE BLACK NODE ADDRESS

ANNOTATION

The fact that the idea of the "new Uzbek marifat" of our president has turned into a political force in which it is necessary to honor and discover the eternity of our great-grandfathers and great-grandmothers, to become a powerful wave of unity among the states of the Turkic world,

which must be absolutely taken into account when forming a new state. a new secular order recognized in the international arena. The fact that the city of ancient hiding place was chosen as the capital of tourism in 2024, the address of the ancient ruins of Kohna kavchin eli Chimni is also participating in this competition, we also invite traveling educators of the surrounding area to scientific research. This is exactly what the article is about.

Keywords: Sahibkiran Amir Temur, Kavchin eli sufisi, stone moat, toshterma, caravan, fireman, Zoroastrians, mystery of the temple, black knot, Sparrow peak, sentinel hexagon, Khazar, Nazar, Margiyona, Murghab, Chunohor, Yakkadara, Khuzor.

Соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуклари” асарида тилга олинган биринчи шаҳар, асарининг ”Биринчи китоб“ бўлими, “...кўнглимга келган биринчи кенгашим” ҳикоятига назар ташласак, “Ҳузур” номи билан тилга олинган шаҳар [1] ушбу кенгашда аждодлар юртларидан мўғил босқинчиларини қувиб чиқариб бирлашган давлат тузиш режаси пайдо бўлиб “Биз ким, мулку Турон амиру Туркистонмиз, Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва улуғи-туркнинг бош бўғинимиз”, деган чорловлари Ҳузурдаги кўҳна тарих яширин сирлари силсиласига ишорат. Турон мулки ва қадим Туркистон амирлари манзилига дахлдор Туркий давлатчилик отаси бўлган буюк ҳоқон, илк Турон ҳоқони-Алп Эр Тўнға кўҳна Чин-Ҳузорини бошланиш нуқтаси ўтмиши тарихи тугунли қавчин эли Чўғуртмасига ҳам дахлдорлиги изланишларимизга кўра: Й.В. Гёте ўзининг” Ғарбу Шарқ девони”да (1819 йил) бир бобини “Темурнома” деб атаган. XVI асрда латин тилида “Скифлар шоҳи Темурланг” китоби чоп этилди. [3.Б.31] юқоридаги сатрлар садоси аслида, қадим массагет-сак чин, улуғ-бобокалонларимизга ушбу манзил ҳам алоқадор эканлиги”, аксарият фуқароларимиз билишмайди...” Аммо Амир Темур ақли ўзига келиб кўрса, ҳеч ким йўқтур, ўрндан секин туриб, йиғлай- йиғлай бир масжидга келиб йиқилди. Ул масжиднинг сўфийси келиб кўрса бир йигит ётур, боши ёрилган, аъзоси қон. Муаззин раҳми келуб ани уйига олиб борди. Амир анга айди: тура бача бўлурман, жатта элати мани мажруҳ қилдилар . Сўфи айди: мани бир ўғлим бор. Иноқдур, анинг лақабин кал Қиморий дерлар. Боши тоздур, ўзи қиморбоздур. Ман они ишига норизолик қилурман. Андин кейин ўғли келди. Амир ярасини кўруб, ювиб бойлади. Амир хизматида доим бўлди. Холо, анинг қабри Соҳибқирон оёки саридадур. Аммо ул сўфий қавчин элидан эрди. Амирни тарбиятига муқайид бўлди. Андак вақтда Соҳибқирон соғ олди” [2, Б.101].

Мўғил хонларининг ўзбошимчалиги борган сари ҳаддидан ошади. Амир Темур Қаршида бўлганида буни яна ўз бошида синаб кўради. Октемурхон зўрлик билан унинг севимли хотини Сарой Мулк Хонимни тортиб олади. Сарой Мулк Хоним қанча бедодлик бўлмасин эрига содиқ қолади. Хонимчани (асарда шундай ёзилган) қутқозишда қаршилиқ жўмрад қиморбоз Иноқ Қиморий ёрдамини аямайди. Оддий сўфининг ўғли бўлган чапани мард Иноқ умрининг охирига қадар Амир Темур ёнидан бир қадам жилмайди. Амир Темур Иноқ ёрдамида Октемурни ўлдиради. Бу унинг мўғуллардан шахсий ўч олиши эди. У шахсий адоват аста-секин ижтимоий мазмун касб эта боради” [2, Б. 25].

Қавчин эли Чўғуртма суфийларидан 1840-1920 йилларда яшаган мулла Абруй ва Фозил сўфийлар, катта маҳалласидан Сола тоз қиморий ва унинг аёллари Гулсара бахши кўлида қадим босқинчи Форслар шоҳига қарши курашган Малика Нозин ҳамда қавчин эли етти қавимли Чўғуртма ислом мажидини қадим қуръонини Муқанна кўзғолони даврида Лангар отага бориб қолиш ҳақидаги ривоят-достонларини уларнинг фарзандлари мулла Эшмурод боболаридан эшитиб қолган раҳматли мулла Неъмат Рахмоновдан кўп бора эшитганман, Чўғуртмалик ёши улуг раҳматли Хусан бобо Жўраев онасини, оталари-бобоси мулла тувини охирги Раим ҳожи сўфиси 1931 йилда қазо этган, қавчин эли ҳақидаги ривоятлари барчаси жамил-жам бўлиб, болаликдан буён кекса авлодлардан эшитган ривоятлар ва кўрганларим “Янги Ўзбекистон маърифати” кўзгусида назаримда ҳақиқатга айланаётгандек асрлар уммонида унутилган қавчин эли унинг етти қавми Чўғуртма оташпараст-зардуштийлар ибодатхонаси устидан ғалабаси нишонаси ёзги кўҳна жомей масжиди харобалари номида сақланиб қолган сирлари очиклана берди. Ҳожабош ота мазорлар остида қора тугунлар ортида увол бўлган тарихи ва шахристони; етти бош бўғун массагет-сак туркий Чин амирлари қалъа қабрлари номи ва излари тарих саҳифасидан учирилган манзиллар бўлса-да аслида Чўғуртма қавчин эли Субах, Хузор номи ортида соҳибқирон бобомиз сирли ҳикматли сўзларида мулла туви (тўғ кўтарган мулла- сўфий)лар яширин сирлар силсиласи кўҳна Чин ушбу манзилда тилсимланган эмасми? деган таҳлиллар сўроғига, болалик хотиралари, Аллоҳнинг ер ости ва усти аломатлари, кўҳна қадим Чўғуртма қишлоқлари аҳоли яшайдиган манзиллар хоноданларидан ва унинг қадим унитилиб яйловга айланиб кетган ҳожа мазорлари ҳамда ҳозирги Хўжабош ота қабристони мазорлари остида қолиб кетган қадим туркий бош бўғунлари етти қабила шаҳар қаъласи харобалари излари ҳақида зиёратгоҳ назоратчиси Камолов Баҳромхон табири билан айтганда, қабристонда лаҳадлар қазилаётганда эски маҳаллалар иморатлари бузилиб томарқалар текисланаётганда, йўллар чиқарилаётганда, ўтмиш тилга киради вайрон бўлган қасрлар, топталган хум ва сағана қабрлар ва улардаги осори атиқали қадимий буюмлар ҳар қадамда чиқади, олдинги авлодлар удумига кўра қабрга ташламай маҳалламизда маърифат-музйи ташкил этиш борасида йиға бошлаган, улардан айримларини суратлари ва изоҳларини ҳавола этамиз.



Суратда: кўҳна Хузор қавчин эли Чўғуртма қавми туркий олам авлодларига дахлдор қадимги улуг массагет-сак амирлари манзил шахристони Ҳожабош ота зиёратгоҳи.

Суриштирувларга кўра самарқандлик буюк матасаввуф улома шайх Абуллайс ас-Самарқандий асли исми имом ул-хуро Наср бин Муҳаммад бўлиб, 373(983)йил [вафот этган. Маишхур фикҳ ва тафсир олими. Унинг тўрт жилдлик зўр тафсир китоби бор. Фикҳга оид "Ан-Навозил" ва "Ҳазонний ул-фикҳ" ва тасаввуфга оид бирмунча асарлари бор ("Қомус ул-аълум" 1-жилд 756 саҳифа). [13, Б.74].

Қавчин эли Хузор Чўғуртма қавми ҳамда Кулоб (Тожикистон) пирлари сайид Алоиддин авлодлари энг сўнгиси Бухорою шарифдаги Мир араб мадрасасини хатим қилиб қирқ йил илми толибларга дарс берган шайх сайид Махматвалихон валюллох (1860-1953 йил қабрлари Кулоб томошатепа маҳалласида)ни ушбу қишлоқдаги Рўзикул халифаси ва Абуллайс масжидни охириги имомлари жиянлари сайид Нагимхон ул зотдан эшитганлари гувоҳлигича Самарқанддан ҳаж амалига маккатиллога зиёратга борувчилар, жумладан, Абуллайс ас-Самарқандий қавчин эли карвон йўлидан келиб хожабош ота зиёротгоҳини зиёрат этиб, ушбу манзилга тут дарахти экиб кетишар экан; манзилни қайта тиклаш мақсадида бир муддат Самарқанд амири томонидан юборилган саккизинчи аср вайронагарчилигидан кейин **тош** ариғни ва қавчин эли ислом масжидини тиклаган Хузордаги вабо касаллигини баргараф этган хизматлари эвазига Чўғуртма Абуллайс ариғи ва масжиди номида ҳозиргача сақланиб ва эъзоланиб келаётган шахс дер эканлар. *-чапдаги сурат туман назаридан қолган маҳалий аҳолигагина Хожабош ота номи билангина этиб келган авлиё мақбараси аслида тарихи таҳқиқли манзилни қадимийлиги ушбу ердан етти қалъа шахристони қолдиқлари топилган дон сақланган хумлар ва қадим амирлар дафн этилган остодона мазорлари бармоқ изи туширилган сопол буюмлар инсон юз қиёфаси ҳамда она бола тасвири туширилган тотиним санамларни топилиши ва бошқа ассори атиқаларнинг ҳар қадамда мавжудлиги бу манзилда одамлар Одам ва Нуҳ алайҳсалом даврларидан бери қадим туркий авлодларнинг бош бўғини массагет-сак улуглари яшаганлигига барчаси кўҳна Турон (Чин) амирларига тегишли бўлиб Соҳибқирон Амир Темур ихлос этиб зиёрат этган руҳий мадад ва гойибона башиорат олган кўҳна Хузор қавчин эли Чўғуртма қавми чорраҳаси Кешнинг ва туркий оламнинг муътабар бобо манзили эканлигини англатиб ҳудуддаги етти кўргон қалъаси лойиҳа асосида тартибга солинса, бу мазорларни зиёрат этган сайёҳлар -кўҳна Чин амирларини бош бўғунларига алоқадор бошланиши нуқтаси эканига амин бўла боради;*

“Дастлаб Муқанна динига кирган ва унинг динини юзага чиқарган қишлоқ Кешнинг Субах номли қишлоғи бўлиб, қишлоқ аҳолисининг улуғ кишиси Умар Субахий эди. Улар кўзғолон кўтардилар. Уларнинг амири араблардан бўлиб, парсо бир киши эди, уни ўлдирдилар” [4, Б.139] туманда ушбу манзилни кўрғошим ва Совбох, кўш, мард тепа, Хужайу бузрук тепа, авғонбоғ, эскибоғ ва Миржанда зиёротгоҳидан излашган, ваҳолонки, биз сўз юритаётган замин устидаги Ғузордаку танҳо ҳатто Марказий Осиёда энг йирик марварид тут ва унинг ғарб таърафини маҳаллий аҳоли парсо амирни тан соқчиси шахид бўлган жой дея улуғлаб зиёрат этишади, улар ривоятларида камон ўқидан жароҳатланган амир кофир душманлар қўлига тириклай тушмасликни Аллоҳга илтижо этиб, тепалиқда ер ости ғорига зинда бўлган дейишади. Бу ҳазратнинг исми шарифлари бизга номаълум; ҳа бу манзилларда сон-саноксиз дастлаб санамларга сўнг якка худога сиғинган оташпараст ва зардуштий авлиёлар, амиру, бек-тўралар, зардуштий пайғамбарлар ҳам мангу уйқуда ётгани Аллоҳ аломатига кўра очикланмоқда.

Бироқ карвон йўли устидаги Чумпанк [айтишларича Чўғуртма етти қавмини қадим қабила номи] қатлгоҳи; -ўтмишда эрадан олдин ҳам бир неча бор юнону форсий турли босқинчилар кўҳна турклар манзилини қатлом этишган шундан ҳозирги асримиз бошланиши учун билишимиз шарт бўлган; саккизинчи асрдагиси диний эътиқодсизлик ортида йўлнинг ҳар икки тарафида дорлар тикилиб, биринчи мусурмонларни ғайридин муқанначи (оқ кийимли)лар осийшган бўлса; - ундан сўнг, бирлашган араб халифалиги ва турк кўшинлари оқ кийимлиларни дорга тортган қабристонлари манзили ушбу кўҳна Чўғуртма манзилида туғилган.

Болалиги ўтган Боймурод бобо Қораев оналари Ойимхол момо Аллоҳ ва ҳожабош отадан тилаб олган ёлғиз ўғлига болам шомда, тол тушда, “Чумпанк”дан юрма ўша вақтлар дорга осилган арвоҳлар фарёди эшитилиб;- боласи жасадини опчилаб олган қадим замон ҳуқумдори малика Тумарис (Нозин) онаси руҳи юради;- мен у жойда сенга дужон (хамилдор)лик пайтимда тол тушда ўтиб кўриб тобим қочган эди дер, эканлар. “Муқаннанинг Марвидан Субахга келиши 775 милодий йилга тўғри келади. Субах, Бухоро, Самарқанддан, Нахшаб ва Кешдан, Балх ва Хуросонга ўтадиган катта йўл ўртасида жойлашган анчайин мустаҳкам кўрғон эди. Ҳар томонлама қулай географик кенгликда жойлашган бу кўрғон кўзғолончилар марказига айланди....Субах атрофларида уруш беш йилдан кўпроқ давом этди” [9, Б17-19].

Суратда чанда Чумпанк қатлгоҳи мазорлар остида қолган карвон йули.



Вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи унга Обод Ҳайитов бир қарашдаёқ қадим етти қалъалар ўрнини илғаб олди, маданий мерос агентлиги республика вакили Аҳадулла Аҳмедов ҳам бу манзил ҳақида батафсил маълумотларни суриштирмоқда; ўнгдаги суратда: сохта пайғамбарлик даъво этган Муқанна ва унинг тарафдорлари, Сўбоҳ (Ҳузор) нинг парсо (диний) амрига қарши кўзғолон кўтарган ва ул зотнинг тан соқчисини, шаҳид элтиб, ҳазратни жароҳотлаган “Искифағн” яъни эски ибодатхона қаршисидаги жой унинг яқинида қадимий марварид тут бўлиб мужовир Холбой бобонинг айтиши бўйича, танасига тошлар қаланиб қадимда шаҳидлик тўғи кўтарилган зиёратчилар авлодлари эски диний урф одати бўйича чироқдонга пилик ёқишар тут каваклашгач ўт тушиб ёниб кетган, ундан сўнг юқоридаги ўнгдаги сурат ҳолатда ёдгорлик тоши қўйишган экан.



Чап тарафдаги суратда Киртегин маҳалласида яшовчи Эркин Йўлдошев авлодларига кўра; қадим карвон йўл устидаги Алп Эр Тегин (Тунға) эски Чўғуртма қавми дастлабки манзилтепаси ўзини шу қавми Киртегин (яъни Чин ҳуқумдори Алп ЭрТунғадан тарқаган кўртаги) авлодидан деб, ҳисоблайди, бу тепани ҳам совет олимлари Чумчуқ тепа яъни Чўғуртма номи чумчуқ чўғурлаши номидан олинган деб тарғибот элтишган.

1989-1990 йилларда ер ўзлаштириш мақсадида ушбу манзил давлат хўжалиги (Рассвет совхози) га давлат томонидан ер ўзлаштириб берилган ушбу жарёнда қадимий киртегин тепаси ва Валий ота мазори, эски карвон сарой, робатлари, саклар тухманоси, шаҳар манзили текисланиб кетган, юқоридаги сақланиб қолган тепалик тик ён бағридан очилиб кўриниб қолган сув оқизиладиган кубашалар суратда ўртада тасвирини ҳам кўриб турибсиз. (Манзилдаги кубаша изларини очиклантирилса улуғланаётган хитой сув қувирларидан қолишмайди) тепалик устига юқори адирдан келган сирт ариқдан сиз кўриб турган кубашадан сув чиқарилган ва у ердан фавворага тушган ҳавузларда тақсимланиб, Нозин ва Беклар ва Хожабаш ота мажмуаси кўрғонлари ва далаларга оқизилган; Боймурод бобо Қораевнинг айтиши бўйича тепаликни шимол тарафида унинг Дустёр бобоси ва қариндошлари қадимдан қулоччилик билан шуғулланган амакиси Бердёр 1920 йилгача бўз тўқиган экан, уларни сони 1950 йилларда ўн олти хўжалик бўлиб, бу манзилдаги карвон йўли ёпилгач, янги йўл ёқаси оқ тепа атрофига кўчиб ўтган экан.

Нозин малика (мома)си ўнгдаги сурат; қалъа назорат тепалиги устидан қарасангиз, узок яйловлар ҳамда биз навбатдаги сўз юритаётган шажара тархи 19 нуқтасини маҳаллий аҳоли Кўктепа (унинг шаркидаги ерларни қадимда баланд иморатлар ва дарахт, боғлар билан бурканган манзил бўлган. Ҳозирда Катта Қайирма номида сақланган, яъни аслий массагет-сакларнинг баҳорги *Кўксарой қароргоҳи дейишади. Унинг жануби ғарб тарафидаги тепалар эса* Бўронтепанинг кузатув назорат қалъаси бўлган. XI асрнинг буюк тилшуноси Махмуд Қошғарий “Девону луғот ит-турк” асарида “Хўзор-турк шаҳарларидан бир жой исми” деб кўрсатади. Шундай экан, Хўзор турк ҳоконлигини ибодатхоналар шаҳри Искифагин ҳақида совет олими В.В.Бартольд “Искифагин шаҳри ҳақида фикр юритиб, унинг ҳозирги Ғузур шаҳри жанубий қисмида жойлашган Эскибоғ қишлоғи ўрнида бўлган ва “Искифагин” атамаси асрлар давомида ўзгариб, бизгача “Эскибоғ” атамасида етиб келганини, Субах эса Ғузур ўрнида бўлгани, “Искифагин” этимологик жиҳатдан суғд тилида “эски” ёки “иски”, яъни улкан маҳобатли, “фагин” эса “ибодатхона”, яъни “улкан ибодатхона” маъносини англатади. Бу сўзнинг туркийча маъноси “эски, кўхна ибодатхона”, яъни ташландик, фаолият кўрсатмайдиган ибодатхона маъносини беради” [10, Б.26].

Совет даври олимнинг ғоялари остида қадим турклар ва ўзбеклар тарихига қўйилган тугунли таҳқиқлар калаваси, ваҳоланки, Искифагин шаҳар номи эмас, балки биргина эски ибодатхона номи эканку? Ўз-ўзидан равшанлашади, қадимги таҳқиқлар таъсирида туркийлар бош қароргоҳи Кешнинг чекка қишлоғи Субах ва унинг Ибодатхонаси жойлашган Чўғуртма чорраҳа Искифагин (эски хароба ибодатхона) номларида кўхна Ҳузур (Ҳазар) ўтмишига қора тугин ила тилсимланган кўринади. Таҳлилимиз далилий иқтибосига кура: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент-, 2009 йил.) Субах илк ўрта асрларда Ўзбекистоннинг жанубида мавжуд бўлган шаҳар. Насафдан, 6-фарсах масофада Кеш ва Термизга борадиган карвон йўли кесишувида жойлашган. *VIII-асрда Субах Муқанна кўзғолони билан боғлиқ воқеалар марказига айланган...*”*Археологик маълумотларга қараганда, Субах Қарши йўлида жойлашган ҳозирги, Ўликтепа шаҳар харобаси ўрнида* [5, Б.429] (дейилган сўзлар заминиде қора тугунли туркий ва ўзбеклар, жумладан, қавчин эли Чўғуртма қавми ўтмишини очиклантиргандек. Субахнинг ўша вақтдаги диний манзили Искифагин (қадим Ҳузур ва ибодатхоналар шаҳри) аниқ манзили кўз ўнгимизда карвон йўли чорраҳасидаги Хожабаш ота зиёратгоҳи-қабристонини остидаги етти қалъа ва унга Субахдан келишдаги Оқ (сарой) тепа ҳамда чорраҳонинг унг тарафидаги карвон йўлидаги Чўғуртма ва (Керт-Тегин), Нозин маликаси тепалиги қадим турклар тухманоси ва унинг баҳорги қароргоҳи Кўк (сарой), Оқтепа, Бўрон, Қирққиз, Бойдовултепалар, Тоштерма қадим массагет-сак ва форсийлар унутилган алмашинув йўли барчаси уйғунлашиб яхлит турк Соҳибқирон Амир Темур авлодлари бўлмиш амиру Туркистонга тегишли улкан империя пойтахти чап қанот тархи шажараси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

”Муаззин Амирга айди: ”Эй йигит, тожикнинг нақли бордурким”, одами бекор аст, аз ин худо безор аст”, андак ишига машгул бўлгил, сабаби овқат бўлур. Иши йўқни тиши йўқ, яъни анинг сўзи ҳеч кимга таъсир қилмас, деб сўфи, Иноқ учовлари бориб қавун фолиз ўтини юлуб, туш бўлгач, йигоч соясида ухлар эрдилар. Бир кун Амир бошига бир-икки кесакни ясдуқ қилиб ухлар эрди; ногоҳ Иноқ уйқудин туриб кўрса, бир қуш товисга ўхшаш мунаққаш йигоч узра қўниб Амир боши узра соя солиб ўлтурур, тумшуқида эски сўнғак бор, секин отасини уйқудан уйғотди. Иккови ани мушоҳада қилдилар... [2.102-103.Б].

“Темурбек шу тарика йўл босиб, кундузлари эса овлоқроқ ер топиб яшириниб ётди. Не-не азоблар билан Ҳузорга яқинлашди. Ҳузорга одам юбориб аҳволни билди. У ерда Темурбекка яқин бир одам Тамука Қовчин ҳоким эканлигини билиб, унга хабар юборди. Унинг ҳимоясида Ҳузорда яширин ҳолда бир ҳафта турди. Сўнг Ҳузордан йиғиб олган юз нафар йигити, мулозим ва навкарлари билан бир сурув отларни ҳам олиб Жайхун соҳилларига қараб йўл олди. Мана шу сарсон-саргардонликда юрганда шерик бўлган ва Ҳузордан олинган йигитлари билан жами 313 киши барча жабру жафоларни бошларидан ўтказдилар. Мана шу 313 киши Амир Темур умрининг охиригача унга содиқ қолишди. Барча жангу жадалларни бирга ўтказишди ва барча лавозимларда фақат улардан фойдаланилди. Буни ўша замон ва ҳозирги машҳур тарихчиларимиз ҳам қайд қилишган”. [9, Б.26-27].

Ҳерадот “Тарих”да юнонлар билан жанг қилган форслар тарафида турган бахтариийлар, саклар, суғдийлар ҳақида ёзар экан, жумладан, сакларни куйидагича таърифлайди. “Саклар” бошларига учли қалпоқ, эгниларига чарм иштон кийган эдилар. Куроллари эса сак камони ва ханжаридан иборат эди. Бундан ташқари уларнинг икки дамлама жанговар ойболталари ҳам бор эди. Бу қабилани амиргий, (“гийммнери”, “темер”), саклар деб атадилар. Скифлар кимлар эдилар? -Ҳерадотнинг ёзишича, форслар саклар деб атаган скифлар ўзларининг скалатлар деб номлардилар. Аракс (Амударё) дарёси ортида массагетлар қабиласи истиқомат қиларди. “Бу-массагетлар,-деб ёзади Херадот,-кўп сонли ва жасур қабила эди. Улар Аракс дарёси ортида, кунботар тарафнинг шарқий қисмида яшайдилар. Баъзилар уларни ҳам скифлар қабиласидан деб билишади”. Қадимий массагетлар иккига бўлинган; шимолий саклар деб аталган қисми, яъни бош саклар Марғиёнада шимолдан кўчиб келган бўлсалар, иккинчи қисм саклар Мурғоб дарёси (1920 йил совет босқинига қадар Бухоро амирлиги Ҳузур тўраси назоратидаги Ҳисор беклиги ерлари, ҳозирги Тожикистон республикаси Тоғли Бадахшон автоном вилояти.С.Х.) ваҳосида яшар ва улар учли қалпоқ киярдилар. [8.87-97-98-99.Б].



Милоддан олдинги XII асрга тааллуқли Аш-шира (Ассирия) битиклари Осиёнинг бепоеён даштларидан бостириб кирган скифлар босқини ҳақида хабар берар экан, бу жанговар кўчманчи қабилалар номини ”Ишгауз” уларнинг бошлиғининг исмини Испак деб маълум қилади. Туркий халқлар тарихи билан яхши таниш бўлган одам “ишгауз” деган ном аслида “ўғиз” номи билан боғлиқлигини тезда пайқайди. Маълумки, йигирма тўрт уруғдан иборат бу туркий қабилалар икки йирик гуруҳдан иборат бўлиб, бири ич ўғиз (ички ўғиз) иккинчиси “таш ўғиз” (бошқа ўғиз) деб номланган. Демак, Аш-шара битикларидаги “ишгауз” аслида “ич ўғиз”, бу тарихий гувоҳлик скифларнинг (ёки уларнинг маълум қисмининг) туркий тил эгалари бўлганликларини исботлайди.

Юкоридаги суратда тўртинчи амир қўрғонидан топилган учли қалпоқ шаклидаги сак амири тотонем санам ва унга тегишли сопол буюмлар қизил тусли гилдан ясалган. Қадимий ашёлар бу ердаги етти қўрғон қалъа, туркий тилли ички ўғизлардан хабар бермоқда.



Суратда, тўртинчи қўрғон яқинида лаҳад қазилганда унинг остидаги мўъжизавий қадимги ашёлар: чапдан биринчиси, дастлабки ипак матога бўз тўқиш асбобига иплар олти гуваладан ўтказилган ва еттинчи ялпоқ гувала уларни жипслаштириб мато тўқилган. Бизнингча, бу жой номи қадим оташпарастлар давридан чўғ-ўт-олов ва мато тўқиш дастгоҳига ипларни айлантириш “уртма” дан деган ривоятлар ўз исботини топиб, бу манзилни қадимий манзил Кешга ҳам дахлдор бобо юрти – мисоли оқ мрамардай ёниб турган. Назаримизда, бу қавмининг дастлабки тузни кашф этган манзили - кейингиси ҳам сопол идиш қолдиқлари.

Тарихий шахслар ўз фоалияти билан нафақат бевосита, балки билвосита ўлимдан кейин ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши ва жамиятлар тарихи ва кейинги ривожланишига сезиларли из қолдириши маълум ўшандай ҳолатга гувоҳ бўлган. Қабристон мужовири туркий қавчин уруғидан булган Назар ўғли Олтибой ҳаёт йўли суриштирувларимизга кўра оталари Назар ҳам Хузор тўрасининг тан соқчиси. У киши кексайгач, ўрнини авлодлар меросига кўра Олтибой эгаллаган. Саид Ақромхон тўрани Яккабоғ Бошоди қўрғонидан тўраликни, айниқса, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ бекликлари устидан қаттиқ назорат ўрнатган йиллар, жумладан, 1920 йилнинг сентябрь ойининг бошида, рус қўшинлари Бухорони ва амирликни буткул босиб олиш жарёнида дастлаб Саид Ақромхон тўрани Афғонистонга Олтибойни хос қавчин эли йигитлари ўтказиб юборган бўлса.

Чўғуртмалик Раҳимбек тўқсобанинг катта ўғли Хўжамберди тўқсоба Шаҳрисабзнинг охирги ҳоқими бор-йўғи уч ой ишлаган. Унинг бошчилигида Ғузор-Термиз йўлининг Панжкамардаги Қоракамар бузуқликларида душман йўлига пистирма қўйишиб ётишади. Икки кундан сўнг Фурензе қўшинлари амир Олимхон изидан тушиб, Кўктепа ва Тошгузар атрофларига қўшини чодир тикади ва бу манзилда улар ҳам Амир Олимхонни қўлга тушириш илинжида бир неча кунга қолишар экан. Улар амирни чув тушириб кетганини сезишгач Қоракамар йўлидан Термиз сари йўлга чиқишади ва Қоракамарда шиддатли қаршиликка дуч келишган бўлиб, бу урушда Хўжамберди ва унинг йигитлари ҳалок бўлишган. Олтибой тик қоядан пастликдаги жарликка оти устига сакраб, Бозортепа қишлоғига яширинган ва у ерлик йигитларини тунда олиб келиб, шаҳидлар жасадини қариндошларига бердириб юборган.

Ўзи эса Хўжамберди бек жасадини Чўғуртмага, беклар хонодонига олиб келган ва қариндошлари билан уни Ҳожабош ота қабристонига дафн этган ва шу манзилда мужовир бўлиб қолиб, қизиллардан паноҳ топган экан. У туни билан янги дафн этилганлар қабри ёнида қолар, тонг вақти ва хуфтонда мақбара эшиги қаршисида намозини ўқир, саждадан бош кўтарганда бир жуфт қул мақбара эшиги остидан чиқар, яна саждага бош қўйганда қул ичкарига тортилар экан. Йўлдан ўтаётган эски дўсти Чўғуртма Қамариддинхон қорихонасида-Бухоро мадрасаларида таълим олган мулла Шеркул охун Олтибой мужовирни уйига бурилиб, у билан таҳликали воқеалар юзасидан маслаҳатлашади. Олтибой ҳам мақбара эшиги олдида намоз ўқиётганида авлиё руҳи ҳодисасини айтиб, дўстидан маслаҳат сўрайди. Мулла Шеркул бироз ўйланиб шундай жавоб қилади:

Дўстим, Ҳожабоши отамиз ё пайғамбар ёхуд якка худога сиғинган зардушӣ авлиё-амир руҳлари тириклар билан мулоқот эта оладилар деган қавчин эли орасидаги гап-сўзлар рост экан. Ҳушёр бўлиб бу зиёротгоҳга хизмат эта беринг. Куни келиб ҳазрат билан мулоқот этасиз, деб маслаҳат берган эканлар. (Валий- “дўст”, “эга”, ”соҳиб”, “яқин” маъноларини англатади) [12, Б.401].

Орадан йиллар ўтади, кунлардан бир кун ярим тунда мақбара эшиги қаттиқ тарақлаб очилган овозидан чўчиб уйғонган Олтибой жон ҳолатда тура солиб мақбарага югуради. Қараса, не кўз билан кўрсинки, кўш табақали эшик очилиб, ундан қора қашқа от минган, қора тусда сипоҳча кийинган, қора ниқоб таққан, кўкрагига совит осилган, отнинг узанги, сувлиқлари тилла суви югуртирилиб яраклаган, от устида ҳазрат авлиё амир Ҳожабош ота, жиловиди эса икки тарафида устида қора тусли, бошида учбурчакли кийим кийган, ниқобли икки жанговар киши ҳайбат билан чиқиб келарди. Салом бериб “Субҳонолло” деганича югуруб бориб от оёқлари остига ўзини ташлаб, кетманг, амирим, сиз кетсангиз биз нима қиламиз деб, йиғлай бошладим. Шунда унинг тан соқчиси мени йўлдан четга олмоқчи бўлганида, амир ҳазратлари ўнг қўлини кўтариб уларни тўхтатдилар ва тила муродингни дедилар. Мен ўғил фарзандим йўқлигини айтдим. У киши киссаларидан кўк мовий тош чиқариб бериб, исмини Нурмуҳаммад қўясан, энди эса йўлни бушатинг, дедилар. Ҳазратнинг қаршисидан узоқлашиб қарасам, катта тут остида ноғора ушлаган ва изидан эса қарвон йўлга қараб турнақатор тизилган от минган қора аломатли қуролланган сипоҳлар саф тортиб турардилар. Олдинги сафга ўтишлари билан ҳазрат қўлларини кўтариб “Мурғаб” сари дедилар. Ноғора овозлари эшитилиб, руҳлар-лашқари қарвони Субаҳ, Жигдалиқ, Лангар-Мўрғоб қадим алмашинув йўлга равона бўлганда амиримиз руҳи кетди. Мулла Шеркул Охун деб, кўк тошни кўрсатиб зор-зор йиғлар, эртасига Бухорою шариф Мир араб мадрасасидан қайтиб келган Ҳузур ва Кулоб пирлари саид Алоиддинхон авлодлари бўлмиш шайх Махматвалихон “валюлоҳ” ҳам бўлиб ўтган воқеаларни суриштириб Ҳожабош ота улуғларини ва ота-онаси қабрларини зиёрат этиб, қавчин эли йигитлари Элмон ўғли Холмирза, Тўракул ўғли Усмон кўмагида сирли қароматларни кўрсатиб Қаршидан Кулобга, Термиз поездига миниб кетиб борарди. Орадан кўп вақт ўтмай, Олтибой лаш-лушини ва ёлғиз кизи Турсуной ва аёлини эргаштириб укаси Суюннинг олдида кетган.

Бу воқеалар гувоҳи Мулла Шеркул охундан бир неча бор эшитган, ўғиллари мулла Бўридан ёзиб олиб, Нурмуҳаммадни турли манзиллардан излаб етти йил деганда, оёқларим остидан Олтибой бобонинг жиянлари шу кишлоғлик Назар бобо эканлигини аниқлаб, у киши орқали Олтибой бобо ўғиллари Нурмуҳаммад авлодлари билан учрашиш ва суҳбатлашишни Аллоҳ насиб этди.

Суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, тўра тан соқчиси Олтибой билан Ҳожабоши қора аломатли авлиё амир руҳлари билан мулоқот 1932 йилга тўғри келган, чунки ўғиллари Нурмуҳаммад 1933 йилда туғилган экан. У кишининг аёллари ҳамқишлоғи Саъди бобонинг синглиси, Суюн укалари колхозда қоракул қўйлар ферма мудирини бўлган манзили турклар тўралари кули тепалиги Сичқон тепасида экан. Олтибой шу фермада қўй боққан. Нурмуҳаммад етти ёшга етганда отаси вафот этади.



Сурада чандан биринчи Ҳузур тўраси тан соқчиси авлиёдан паноҳ топган Олтибойнинг Ҳўжабош отадан тилаб олган фарзандлари Нурмуҳаммад (1933- 1996 й.)

Иккинчи суратда Ҳожабош ота зиёратгоҳини қирқ йиллик мужовири руҳлар билан юзлашган Холбой бобо Ашуров, кейингиси мақбара таъмирида фидойилик кўрсатган сирли кароматлар гувоҳи Ҳузур тўраси тамғачиси Абдулазизбек фарзанди Эшмурот бобо.

Самарқанднинг Қора тепаси (Тахти қорача)дан қора қавчин уруғидан бўлган Улуғбек авлодлари бошчилигида Чўғуртма қавми Шакарбулоқ қишлоғига кўчиб келган. Бу авлоддан Кулоб беги Муродбек, Ғузур тўрасига хизмат қилган Раҳимқул Тўқсабо у кишининг ўғиллари Хужамберди Тўқсабо, Дўстёр ўғли Давлатамин авлодидан бўлган Азизов (Абдулазиз ўғли) Эшмурод бобо Ҳожабош ота мақбарасини қайта қуришлари ҳақида суҳбатларини раҳматли Юлдошбой Ҳамраев билан кўп эшитганмиз. У кишини менинг ёдимга солган гурунглари: Мақбарани қайта қуришга усталарни Эшмурод бобо тумандаги собиқ Карль Маркс колхоз (жамоа хўжалиги)ни ҳаммомини қураётган наманганлик хокисор уста Содик Бобомурод сўфи ва унинг шогирди уста Ҳатом Хатиб ҳамда домулла Худойкул Охун, мулла Фармонкул ибн Муҳаммадлар томонидан 1969 йил 19 сентябрь душанба куни бошланиб, 1969 йил 19 октябрь чоршанба куни қуриб битказилган.

Холбой бобо Ашуров амир Ҳожабоши ота зиёратгоҳи мақбараси ва қабристонининг 1940-1980 йилларда мужовири бўлиб хизмат қилган. Ҳазрат амир руҳлари билан мулоқот этган инсонлардан бўлади. Айтишларича, асли Шилбий қишлоғидан, бобо авлодлари шу манзилнинг Мулла Туви (Туғ кўтарган) муллалари авлодидан отам авлодларим ушбу қабристонда мужовир бўлишган. Ёшлигимда Қайермалик Дамин полвонга лаҳад қазгунча арслон бошли ҳайкал санамни кўрганман. Уни кексалар бу жой кўҳна чинни шилбий қабиласиники (яъни кўзи очилмаган арслон боласи) уларни авлодига Аллоҳ шер-йўлбарсни бўйсиндириб берган экан, дегандилар. У инсон билан отам билан зиёратга бориб эшитган суҳбатларидан энг ҳайратланарлисиз: ушбу даргоҳга келган вақтим катта тутга суяниб кўзим уйкуга кетибди. Олдимда етти амир қора устибош,учли бош кийим, камон, ойболта,қилич, совут ва найза, қора қашқа от устида белларидаги камари,совутлари, отнинг узангиси ва от юзидаги ниқоби сап-сарик тилла ва мисдан эканлиги ҳайратланарли эди. Кўрқма,бўтам, бизга қирқ йил хизмат қилиб берасан деб суҳбатлар қуриб ғойиб бўлди. Орадан йиллар ўтиб кўп сиру синоатларни кўрдим. У кишиларни ҳар замон кўриб ва овозини эшитиб турардим. Мана яна овозларини эшитдим. Холбой хизмат қилиб чарчадинг. Энди олдимизга келар вақтинг бўлди, дедилар. Кўп ўтмай Холбой бобо 1980 йил кузида бандачилик қилдилар, илоё, охиратлари обод бўлсин.

Катта Чўғуртма қишлоғида яшовчи Гулмурод бобо Очиллов ҳикоялари: у киши Улуғбек носос станциясида ўғиллари Суннат ишлагани. тунлари қора шарпадан безовта бўлаётганини айтади, ўрнига бориб турдим. Рустамхон айтган ҳазрат келдилар, салом бериб қарши олдим, кўрқма сизларни назорат элтиб кўриқлаб юрибман дедилар, авлодлардан ўрганган дуоларни ўқиб ҳақларига бағишладим, бир куни айна тушки пайти зиёратгоҳ йўлидан ўтаётгандим, йўлимни баҳайбат кобра илон чиқиб тўсиб турар эди, бироздан кейин илон зиёратгоҳ томонга бурилиб таъзим қила бошлади, беихтиёр мен ҳам уша ёққа қарадим, қалъа эшиги очилиб оқ кийинган йирик узун бўйли одамлар чиқиб келарди улар суҳбатлашиб қадим тут остига келиб тўхтади, мен ҳам, илонга тахлит қилиб салом бериб таъзим қилиб турдим, бир оздан кейин улар яна чиққан иморатлари ичига қайтиб кириб кетдилар.

Орадан вақтлар ўтди. Аёлим вафот этган. Қайноғаларимникига тўйга бордим. Атрофимни ичкиликдан тўйиб олган ширакайф икки киши мени, мулла Охун авлодларимни ҳақорат қилиб, менга ичимлик ичишини мажбур қила бошлашди. Дуоларни ичимда ўқиб, Аллоҳ, Ҳожабош ота ва мулла Очил охун бобом руҳларидан мадад сўрай бошладим. Орқамда шарпа пайдо бўлди. Қарасам, раҳматли аёлим руҳи ундай қилманг, дадаси, деб турарди. Ўйибор бермай мен ўқишдан тўхтамадим, улар юзимга ароқ сепишгача боришди, тўсатдан кўз ўнгим қоронғулашиб қандайдир ғилдиракли арава устида яшиндай эски қарвон йўлидан Ҳожабош ота сари, бориб йўлнинг шарқ тарафида, кўрғон қаршисида тўхтадим.

Қарасам, тепалик тарафда шоҳона курсида таърифланган ҳазрат амир Ҳожабош ота атрофида тан соқчи ва иш юритувчилар, салом бериб таъзим этдим. Амир ким келди, деб сўрадилар. Менинг тилим калимага келмас, мулозими мулла Дўстиёр авлодидан ташвиқотчи мулла Гулмурод келди дедилар. Гапира олмай туриб қолдим. Шунда мулозим мен билан мухолифатдагилар ўртамаздаги гап-сўзларни айтдилар. Амир огоҳлантинг, гар тўғри йўлга кирмаса, аларнинг жойи ҳой анови жойда, деб чуқурроқ жойдаги хандак жойни кўрсатдилар. Кейин қўшимча қилдилар. Нега менинг устимга бунча оғир юкли иморат қурдиларинг, йўлларни ҳам ёпиб ташлабсизлар. Амалдорларга айтинг, бу авлодлар манзилини хароб этмасинлар. Ахир мен Аллоҳ иродаси ила ҳаракатда-мулоқотдаман дедилар. Қандай келган бўлсам, шундай руҳим ортимга қайтди. Ўтирган жойимда зўрға ўзимга келиб, йўлга таксига чиқдим. Аёлим руҳи ҳам бирга келарди. У мени уйга киритди ва ортига қайтиб кетди:

“Тарихий Жўғрофий, ўрни туфайли хонлар, беклар, амирлар ўртасида кўпгина ўзаро жанглар Ғузор ҳудудида-қўшилиш мавзесида Тошариқда, Тоштермада, Қўрғошинтуба, Кўзи Мундоқ даштларида бўлиб ўтганлиги туфайли Ғузор ҳам хароба ҳолга келиб қолган эди.... Эҳтиёт чораси сифатида катта шаҳарларда....Ғузорда ҳам ўн минг мўғул қўшини турган Рашиддин ва В.В.Бартольд асарларида қайд этилишича, уларнинг ёзишича, бу қўшинларни едириш-кийинтириш, отларини боқиш маҳаллий халқнинг елкасига тушган оғир юк эди” [9, Б.25].

Тарихчилардан Муйниддин Натанзаний “Мунтахаб-ут-таворих” китобида шундай деб ёзади: “Амир Темур ўзи юз киши билан шабгир қилиб Ҳузорга жўнади ва саҳар пайтида қутилмаганда Ҳузор қасабаси ичкарасига кирди. У ернинг аслзода ва аёнларинига жанг қилишни буюриб, кўчманчилар ва аскарларини қўлга олди. Шер Баҳром ва Шайх Муҳаммад Баён (Сулдуз) шу ерда келиб қўшилишди. Жамики Умро шайх қабри устида янгитдан шарт бойлашиб зиммаларига мажбуриятлар олиб, аҳд қилишди. Ушбу ҳол асносида Амир Темур тушки овқатдан сўнг ухламоқда эди. Ногоҳ туш кўрди ва тушида бир киши унга фосх тил билан деди:” Фатху нусрат пайти етди, хаёлламай отланингким мамлакат сизникидир. “Бу овоз салобатидан Амир Темур уйқудан сакраб турди ва шу ерда ҳозир бўлганларидан сўради.” Бирор киши шунга ўхшаш гап эшитдимми ёки йўқми?”. Ҳаммалари хайратда қолишди ва сўзлар олами ғайиб илоҳи эканлигини англашди. Бир овоздан бу ҳолни хайрли фол ҳисоблаб икки ғулт узишди. “Бу ердаги юз киши Амир Темурга биринчи бўлиб қўшилган унга яқин киши Ҳузор ҳокими Тамука қавчин ва унинг содиқ қавчин паҳлавон йигитлари ҳамда халоскори қавчин эли суфийсини ўғли Иноқ тозлар бўлиб улар ҳужумидан Мўғуллардан бўлган Даруға аҳли аёли ва бор бисотини ташлаб қочиб қолди. Мўғуллар истибдоди биринчи булиб Ҳузорда барҳам топди”.

Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома” асарининг 42-бетида қуйидагиларни ёзади: “Амир Соҳибқирон юз киши билан орадан бир неча кун ўтказиб Ҳузорга етди. Ҳузор ва Кеш лашкарларини жамлаб Жиғдалиқ томонга юборди. Уларга Тойхожа Салбарийни лашкар кетидан Чиндовил қилиб жўнатди. Шайх Муҳаммад лашкарларининг сакиз қўшини билан уларга бориб қўшилди. Лашкарларнинг бариси Жиғдалиқ томон йўл олди. Шу ўртада Амир Ҳусайн кўп лашкарлари билан етиб келди. Бундан қирқ икки кун олдин Катлонда ажралиб кетган Шербаҳром ҳам уларга келиб қўшилди.


Амир Темур билан Амир Ҳусайн Ғузорда зиёрат қилган авлиёнинг мозори манбаларда келтирилган Ҳожа Размоз, Ҳожа Шамис, Ҳожа Ростин мозорлари эмас. Ҳожа Размоз мозори йўқ, Хўжа Руммоз ота мозори бор, лекин у киши катта авлиё эмас. Хўжа Ростин мозори Муборақда. У бу ердан 120-130 километр узокликда жойлашган. Хўжа Шамс мозори деб Али Яздий ёзмоқда. Воқеа 1364 йилда содир бўлмоқда. Изоҳида Хўжа Шамс мозори бу Хўжа Шамсидин Кулол деб изоҳ берилган. Бу ҳам нотўғри, чунки Хўжа Шамсидин кулол 1370 йили Шаҳрисабзда вафот этган ва қабри ўша ерда. Воқеа содир бўлаётган пайтда Хўжа Шамсидин Кулол ҳали ҳаёт бўлган. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз берган. Бу мазор Шайх Шаҳобиддин Умар мозори бўлиши керак. Ғузор халқи у кишини Мирижанда ота деб эъзозлайдилар... [9, Б.30].

Бу иқтибослар шарҳининг барчаси совет даври Сталин ғоясидаги олимлар таҳлили асарларидан намуналарда келтирилган. Таҳлилларимизга кўра, кўхна турклар қавчин эли Хўзорини аслига қўйилган таҳқиқлари ортида ва у ҳатто, мустақиллик даврида ҳам давом этиб келганлиги таъсирида. Гуёки ҳозирги Ғузурда қавчин эли унинг етти қишлоқлари сардори кўхна Чўғуртма бу ерда яшаган туркийлар маданий миллий мероси тарихи бўлмагандек, сўз юритишлар, илмий ишлар Янги Ўзбекистон маърифати даврида ҳам шаффофланмаётгани уйқуда эканлигимиз нишонаси.

Бекмантепа қаршисида қадим оташпараст-зардуштийлар сақланиб қолган ёрти мозори унитилган авлиёлар ном-нишонсиз ётибди. Биргина ҳозирда очиқланмаган, ўрганилмаган рўйхатларда эндигина шаклланаётган етти қалъага тегишли мазорлар, яъни қадимда ҳар қўрғон ҳукмдори ҳоклари ўша жойнинг ўзида дафн этилганки, улар ҳозирги қабрлар остида қолган бўлса. Бу ҳудудда ётган етти пир авлиёлар, Оқтош-Кўктош-Ғарибота каби ўрганилмаган бузруквор манзиллардаги авлодларимиз не бир амиру туркистонлар, азиз авлиёлар ётганини англамайми? Ҳожа Размоз ва бошқа улуғлар номидаги мазорлар йўқ эмас, бор. Биргина қавчин эли эъзозлаган Ҳожабош ота қадим туркийлар ва Соҳибқирон Амир Темура номига қўйилган таҳқиқлар ортида очиқланмай қолганлиги ҳам бор гап.



Суратларда Бекмантепа-эски сак тўралари анжуманлар манзилгоҳи қўрғон ҳожа мазорлари яйловга айланган манзил топилмалари юқорида тотеним санамлар, девор излари, самодан тушган кўк тош, қўрғон дарвозаси таянч тоши, хумдон, тутатқидон, жангчи чўқмор қуроли.



Суратда; Ҳозирда сақланиб қолган ислом масжиди карвон йўлининг чорраҳасида жойлашуви. Сел-тошқинлар ортида очиқланган қадим оташпараст ва зардуштийлар ҳожа мазорининг сақланиб қолган қисми.

“Субаҳ Ҳузур шаҳарлардан биридир. У айрим манбаларда “Сунаж” шаклида ҳам келтирилади”. Сунаж-Насаф ноҳиясидаги қишлоқлардан бири. Муҳаммад Сунажий (485-553/1092-1158). Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Абулқосим ибн Исҳоқ ибн Аҳмад Сунажий, Луълий. У “Фақиҳ Сунажий” номи билан танилган... Бу манбада Сунаж қишлоқ тарзида зикр қилиниб, унга мансуб олимлар саналмоқда. Бу олимлардан баъзиларин фикҳ бўлгани муҳим илмий қимматга эга. Чунки кичик қишлоқдан фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги олимнинг етишиб чиқиши бу ерда илмий мактаб фаолият кўрсатганидан дарак беради. Олим Абдулла Сааднинг ёзишича, “Субаҳийлар Субаҳ деган жойга нисбат берилган. Насаф қишлоқлардан бирининг номи. Али Субаҳий. У уломолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар.” Муҳаммад ибн Субаҳий (ваф. 553ёки 554). Муҳаммад ибн Аҳмад Субаҳий “Луълий” номи билан танилган Имом Зоҳид Муҳаммад ибн Али Ҳайдара Субаҳий Капший Кешда яшаган. Кеш мадрасадарида таҳсил олган..... Самъоний “Ал-Аисоб” асарида шундай ёзади..... Субаҳ Насафдан 6 фарсах узоқликда жойлашган. Ундан Имом Зоҳид Муҳаммад ибн Али Ҳайдара Субаҳий Кеший етишиб чиққан бўлиб, у Кешда яшаган ва у ердаги мадрасаларда таълим олган... [10, Б.53-56].

Кўҳна Чўғуртма Ғузур туманининг бир чекка қишлоғи сифатида ҳатто зиёратгоҳидаги етти улуғ амирлар мазори ҳам эътиборсиз қолдирилаётганлиги бор гап. Ваҳоланки, Президентимизнинг учинчи минг йилликнинг биринчи юз йили бошланишидаги мамлакатимиз ва туркий олам бирлиги ва ривожини мавқиени кўтариш борасидаги сайъ-ҳаракатлари билан кўҳна Шаҳрисабз ИҲТ 2024 йилда туризм пойтахти деб, қарор қабул этиши ортида Чўғуртма кўҳна қавчин эли ҳам ўтмиши шаффофлиги ва унинг Хожабош ота зиёратгоҳи ва етти қалъаси, саккизинчи аср типиде қурилган масжиди ва атроф аломатли мазори ва тепаликлар манзиллари шаффофлиги, бу манзилда масжид реконструкцияси ва барча аҳоли қўлидаги қадимий ашёлари тўпланиб, қадим боболаримиз ўтмишини очиқлантирадиган маърифат музейига айлантириш, унда қавчин эли сўфийси тимсолида ватани ва ҳукмдорга содиқлик, қадим диний эътиқод шуъласи, Самарқанддан келиб бу манзилни ободонлаштиргани ҳаж зиёратига кетувчиларни тут кўчати экиб, ундан сўнг ҳажга кетишдек ибратли ишларни Абуллайс ас Самарқандий каби уломолар одобларига амал этиш ҳозирги ҳаж зиёратига борадиган фуқароларимиз ва диний эътиқодли фуқароларимизни ибрат олса арзийдиган манзилгоҳ зиёрат туризмга айлантириш ва ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш масаласи илмий мақоламиз кун тартибига кўтарилмоқда.

IQIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES

1. Амир Темур “Темур тузуклари”
2. Салоҳидин Тошкандий ”Темурнома ” Тошкент “Чўлпон”1991. 25-101б.
3. Садриддин Салим Бухорий “Табаррук Зиёротгоҳлар” Тошкент “Ёзувчи ”нашриёти, 1993 йил 31-б.
4. Наршахий Бухоро тарихи.Тошкент “Камалак”1991.”139-бет.,
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти. Тошкент-, 2009 йил. 11-том,429-бет.
6. Ғузур тарихи. Абдуқаюм Жўраев, “Завкли қалам” НМУ. Тошкент-2011 (14-15б.)
7. ВОҚИФ ВЕСТИ плюс рўзномаси“ 2022 йил 29 март, сешанба № 05 (102) сони Х.Соатов “Қадим Хузур марваридлари”(1-3б).
8. Хуршуд Даврон.Самарқанд Хаёли. (тарихий ва маърифий бадиалар) Тошкент” Камалак”1991 й.87-97-98-99.б
9. Мамат Саидов Ғузур Тарих Сарҳадларида.Қарши Насаф нашриёти-2003й17-19-.25-26-27 -28-29б.
10. Иргаш Даминов ”Гўзал юртнинг буюк фарзандлари” Тошкент- 2018 йил Мухаррир нашриёти”.26- 45.50.53.59.60.68.б.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz